



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 21 август, шанба • №68 (11.663) • Эркин нархда сотилади

Вилоят Кенгаши сессияси

Қарор ижроси билан муҳим

Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги XXII сессияси бўлиб ўтди. Унинг ишида вилоят депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бўлим ва бошқармалар, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Сессияни Тошкент вилояти ҳокими, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Козим Тўлаганов бошқарди.

Кун тартибдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва вилоят ҳокимининг унга асосан 2003 йил 7 октябрда қабул қилган қарорининг вилоятда бажарилиши ҳақида»ги биринчи масаласи юзасидан 2-Кимёгар сайлов округидан депутат, Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг раиси Абдор Юсуповнинг маърузаси тингланди.

Бу масалани муҳокама қилиш чоғида вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Собир Абдурахмонов, вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси директори Абобакир Худойберганов, вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Саъдулла Тошхўжаев, Чирчиқ шаҳар ҳокими Шукурулло Бобоевлар иштирок этишди.

Сессия «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги

«2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонига биноан вилоятда фермерликни ривожлантириш ва ердан фойдаланишнинг ижара муносабатларига ўтиш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида»ги масалани ҳам кўриб чиқди. Бу масала юзасидан 32-Дўстобод сайлов округидан депутат Жаҳонгир Файзиевнинг маърузаси тингланди. Уни муҳокама қилиш чоғида 41-Ўзбекистон сайлов округидан депутат, Пскент тумани кишлоқ ва сув хўжалиғи бўлимининг бошлиғи Ҳазраткул Нуров, фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят вакилликнинг раиси Абдуқаҳҳор Курбоновлар сўзга чиқишди.

Шунингдек, сессия вилоятда «Меҳр ва мурувват йили» давлат дастурида белгиланган вазифалар бажарилишининг бориши тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

Сессия муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси Тошкент вилояти ҳокимининг айрим қарорларини ҳам тасдиқлади.



ОРЗУЛАР УШАЛДИ

Буюк Ипак йўлидан бориб, Қибрайдан Улугбек шаҳарчаси сари юрсангиз, Тошкент — Хўжакент темир йўлидан ўтгач, тепаликка кўтарилганингизда, кўз ўнгингизда уфққача туташиб кетган узум ва мева боғлари, серунум далалар намоён бўлади.



Йўлдош Тўхтаев. — Лойиҳачилар муаммога дадил ва мохирона ечим топишди. Натижада жами узунлиги 430 метрга етиб борадиган яхлит бир кўприк мажмуаси қуриб битказилди. Минг-минг йўловчиларнинг мушкулни осон қилишга тайёр бу иншоотни «Ўзавтойўл» компанияси буюртмаси асосида Тошкент йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармаси, 13-кўприк қурилиш отряди, «Андижонкўприк» масъулияти чекланган жамияти ва туман қурувчилари жадал суръатлар билан барпо этишди.

Шу қутлуг арафа кунлари Бўзсув ва ёнма-ён ўтган яна учта ариқ-каналлар узра қад ростлаб турган янги кўприк ўртасида ҳар икки қирғоқдан келиб йиғилган қурувчилар, туман ва вилоят вакиллари, атроф кишлоқларнинг аҳолиси иштирокида йўл ҳаракатлари бошланишига бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Кўприкнинг очилиш тантаналарида вилоят ҳокимининг ўринбосари Шавкат Қосимов иштирок этди.

Жўрабек МУРОДОВ.

Шу кунгача у томонларга Бўзсув устига эллигинчи йиллари қурилган торгина кўприк орқали ўтиларди. Икки катта машина рўбарў келиб қолса, ҳайдовчиларнинг юраклари бир сиқиб қўярди.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, кишлоқ инфратузилмаси ривожланиб, кўшни Қозоғистон билан савдо-тижорат ишлари кучайгач, бу кўприк автотранспорт оқими учун торлик қила бошлади.

Куни кеча шу жойда каналнинг ҳар икки қирғоғига кўп халқ йиғилди. Уларнинг қувончлари чексиз эди, чунки бугун Бўзсув узра кенлиги 24 метр, узунлиги 120 метр бўлган улуг бир кўприк йўл-транспорт ҳаракати бошланишига тайёр турарди. Каттаю кичик каска кийган кўприксозларни бағрига босиб, ўз мамнунлигини изҳор этарди. Кекса-ёш қурувчиларга гулдаста тутганлар қанча.

— Азаматларни қанча эъзозласак шунча оз, — деди Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси илмий тадқиқот институтининг меҳнат фаришси Шоилёс Шоисҳоқов кўприксозлар даврасидан чиқиб келиб. — Бу иншоотни жуда қисқа муддат — бир ярим йилда қуриб битказишди, Бўзсувнинг ўнг қирғоғи кишлоқлари, у ёғи хорижий давлатларга олиб чиқувчи замонавий кўприкни барпо этишди.

— Қурилишнинг мураккаблиги шунда бўлдики, Бўзсув ўзанини ёнлаб яна учта сув йўли ўтади, — дейди Қибрай тумани йўлларни таъмирлаш ва фойдаланиш бошқармаси бошлиғи

СУРАТЛАРДА: (чапдан) уруш қатнашчиси Аҳмад ота Тўхтаев, Тошкент йўл қурилиш бошқармасининг бошлиғи Рихси Каримов, «Нуроний» жамғармаси Қибрай тумани кенгашининг раиси Воҳид Шуқуров рамзий тасмани қирқишмоқда; Бўзсув кўпригида транспорт ҳаракати бошланди.

Фазлиддин АБДУРАСУЛОВ олган сураатлар.

Шифо масканлари кўпаймоқда

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн уч йиллиги арафасида Бекобод туманининг Улугбек номидаги ширкат хўжалигида иккита кишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

— Бу йил туман соғлиқни сақлаш тизими аҳолини яхшилаш учун 370 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди, — дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Хусанбой Тўрабеков. — Марказий шифохона ва поликлиникалар капитал таъмирдан чиқарилди, йигирма ўринли тез ёрдам бўлими қурилди.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлаб эълон қилган «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

танлови якунланди

МИРПҲЛАТ МИРЗО (шоир) — Шеърӣ «Сайланма»си ва жаҳон шеърятини намуналаридан қилган таржималари жамланган «Сомон йўли чечаклари» китоблари учун

АСРОР АБРОРХҲАЕВ (журналист) — «Меҳр

кўзда» туркум телекўрсативи учун

АНОРКУЛ БОЙБЕКОВ (рассом) — «Сирдарё кечувлари» туркумидаги тасвирий санъат асарлари учун

НОДИР ШОАЗИЗОВ (дизайнер) — Инсон руҳияти, қалби ва онгида кечаёт-

ган ҳурлик ўзгаришларини тасвирий воситалар орқали мохирона ёритгани учун

СЕРГЕЙ СПИРИДОНОВ (фотомухбир) — «Ҳарбий ватанпарварлик» мавзуидаги фотосуратлари учун

(Давоми 2-бетда).

Ўқувчиларга байрам совғаси

Қуйичирчиқ туманидаги «Юлдуз» ширкат хўжалиғи ҳудудида янги, замонавий 2-умумтаълим мактаби биноси қад ростламоқда.

Ушбу мактаб қурилишига 264 миллион сўм маблағ ажратилган. Билим даргоҳи 270 ўринга мўлжалланган.

Хуршида МҲМИНОВА.

● Кучли давлатдан – кучли жамият сари

Мамлакатимизда навбатдаги сайлов фа-
ли яқинлашиб келмоқда. Унга тайёргар-
лик — Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман

ва шаҳар Кенгашларига ўтадиган сайлов
арафасида бу борадаги қонунчиликни
аҳолининг кенг қатламларига тушунтириш
ишлари тобора қизгин тус олаётир.

Айни шу кезларда Ўзбеки-
стон Республикаси Олий Мажли-
сида «Икки палатали парламент
сайловлари арафасида Ўзбеки-
стон электорати (социологик та-
ҳил)» мавзусида давра суҳбати
бўлиб ўтди. Уни Марказий сай-
лов комиссияси, Олий Мажлис-
нинг Демократик институтлар,
нодавлат ташкилотлар ва фуқа-
роларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари қўмитаси ҳамда «Иж-
тимоий фикр» жамоатчилиги фик-
рини ўрганиш маркази уюшти-
ришди. Суҳбатда Марказий сай-
лов комиссиясининг аъзолари,
парламент депутатлари, сиёсий
партиялар, жамоат бирлашмала-
ри ва нодавлат ташкилотларнинг
раҳбарлари, олимлар, маҳаллий
ва хорижий оммавий ахборот
воситалари ходимлари иштирок
этишди.

Иштирокчилар Ўзбекистон
Республикасида сайлов, фуқа-
роларнинг давлат ҳокимияти ва-
киллик органларига сайлаш ва
сайланиш ҳуқуқлари ҳақида сўз
юретишди. Бўлажак сайловлар
демократик жараёнларни тез-
лаштиришда, халқнинг иродаси,
орзу интилишларини рўёбга чи-

қаришда алоҳида ўрин тутажга
таъкидланди. Ҳар бир фуқаро ўз
ҳуқуқларини қанчалик билиши,
уни ҳимоялашга тайёрлиги ва
бошқа омилларни аниқлаш мақ-

лаётган парламент сайлови
ҳақидаги маълумотга эга экан-
лигидан ҳам билиш мумкин.

Маълумки, бу сайлов мамла-
катимизда икки палатали парла-

Фикрлар кўзгусида

садида «Ижтимоий фикр» мар-
кази махсус социологик сўров
ўтказди. У мамлакатимизнинг 6
та вилояти, Тошкент шаҳри ва
Қорақалпоғистон Республикаси-
ни қамраб олди. Минтақалар
бўйича респондентларнинг му-
таносиб тақсимланиши қўйилган
саволлар билан аҳолининг қат-
ламлари қанчалик таниш экан-
лигини аниқлашга хизмат қилди.
Маълум бўлишича, фуқаролари-
миз бўлажак сайловларга катта
қизиқиш билан қарамоқдалар.
Бунини сўралганларнинг кўпчили-
ги — 86,7 фоизи яқинлашиб ке-

ментни шакллантириш билан
яқунланади. Олий Мажлисни бун-
дай ислоҳ қилишнинг асосий
мақсади ҳақидаги саволга 44,8
фоиз респондент қабул қили-
наётган қонунларнинг сифатини
ошириш, 27,5 фоизи — жамият
ҳаётининг барча соҳалари учун
ҳуқуқий асос яратувчи зарур
қонунларни ишлаб чиқиш ва
қабул қилиш, 16 фоизи қабул
қилинаётган қонунлар ижроси-
нинг амалдаги назоратини кучай-
тириш деб жавоб берди. Қўйил-
ган саволга 11,7 фоиз респон-
дент жавоб беришга қийналган-

лиги ҳам маъ-
лум бўлди.

Сўров
бўлажак
сайловда
аҳолининг
иштирок
этиш истаги
ниҳоятда юқори
(80 фоиз) эканлигини кўрсатди.

Давра суҳбатида «Ижтимоий
фикр» маркази директори, ака-
демик Раъно Убайдуллаева ўтка-
зилган сўровнинг бошқа савол-
ларига олинган жавобларни ҳам
батафсил таҳлил қилиб берди.
Бу сиёсий партияларнинг сай-
лов кампаниясидаги ўрни, Олий
Мажлис депутатлигига номзод-
нинг фазилатлари, ёши ҳақида-
ги саволлар эди. Умуман шуни
айтиш мумкинки, Олий Мажлис
сайловлари арафасида жамоат-
чилик фикрини шу тарика ўрга-
ниш мамлакатимизда ўтка-
зилаётган ижтимоий ислохотлар
ўз самараларини бераётганли-
гини кўрсатмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилар
аҳолининг ҳуқуқий мадани-
ятини изчил юксалтириб бо-
риш, сайлов кампанияси дав-
рида сиёсий партиялар, жамо-
ат ва нодавлат ташкилотлар
фаоллигини янада ошириш
муҳим эканлигини алоҳида таъ-
кидлаб ўтишди.

Ж. РАҲИМОВ.

«Аёл ва сиёсат»

Ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир
соҳасида аёлларимизнинг
ўрни фаоллашиб бормоқда.
Уларни ҳар томонлама
қўллаб-қувватлаш мақсадида
турли тадбирлар ўтказилиб
борилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан
бири Тадбиркорлар ва ишбилар-
монлар ҳаракати — Ўзбекистон
Либерал-демократик партияси
сиёсий кенгаши ҳамда партия-
нинг Тошкент вилояти Кенгаши
ҳамкорлигида Янгийўл шаҳрида
бўлиб ўтди. «Аёл ва сиёсат»
мавзусидаги хотин-қизлар анжу-
мани қўйилганидан ҳам қизиқар-
ли тус олди. Унда вилоят, ша-
ҳар ва туманлардан ҳар соҳада
илғор, тадбиркор хотин-қизлар
ҳамда ЎзЛиДеПнинг республи-
ка ва вилоят «Аёллар қаноти»
бўлимининг масъул ходимлари
иштирок этишди.

Расул КУШЕРБОВЕВ.

Ҳаво йўлидаги ҳамкорлик

Россиянинг «Трансаэро» авиа-
компанияси мамлакатимизда
ўз фаолиятини бошлаганига
ўн йил тўлди. Бугунги кунда
«Трансаэро» Ўзбекистон авиа-
бозорида ўз мавқеига эга
компаниялардан бири сана-
лади.

«Трансаэро» компанияси-
нинг мамлакатимиздаги му-
ваффақиятли фаолияти бирин-
чи навбатда Ўзбекистон билан
Россия ўртасида мустаҳкамла-
ниб бораётган алоқанинг са-
марасидир. Қисқа вақт мобай-
нида «Трансаэро» дунё авиа-
бозорида мустаҳкам ўрин
эгаллай олди.

Анжуманда таъкидлангани-
дек хавфсизлиkning таъминла-
ниши, йўловчилар учун сифат-
ли хизмат кўрсатиш муваффа-
қият гарови бўлмоқда.

«Туркистон-пресс».

Ўзбекистон Бадий академи-
ясида До Минь Куй раҳбарли-
гидаги «Вьетнам-Ўзбекистон»
дўстлик жамияти аъзолари
билан учрашув бўлиб ўтди.

Истиқлол йилларида мамла-
катимизда Президент Ислон
Каримов раҳнамолигида ўзбек
миллий маданияти ва санъати
тобора ривожланаётгани, ай-
ниқса ёш истеъдод соҳибла-
рини ҳар томонлама рағбат-

Академиядаги учрашув

лантириш ва уларнинг ижоди
учун шароит яратишга алоҳи-
да эътибор қаратилаётгани
таъкидланди. Айни пайтда
ўзбек тасвирий санъат устала-
ри кўплаб халқаро танловлар-
да совринли ўринларни қўлга
киритмоқда.

Мамлакатимиз мусаввирла-
рининг Ватанимиз мустақилли-
гининг 13 йиллик байрамига
атаб тайёрлаган «Навқирон
Ўзбекистон» кўргазмаси меҳ-
монларда катта қизиқиш уй-
ғотди.

ЎЗА.

● Мурувват



«Гидролайф бутлерс» тухфалари

Бўстонлиқ туман ҳокимлиги «Гид-
ролайф бутлерс» компанияси билан
ҳамкорликда Фазалкентда хайрия
тадбири ўтказди. Шу куни 150 дан
ортиқ ногирон ва уруш қатнашчи-

лари тўлақонли ҳаёт учун ашёлар-
ни совғага олишди.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Куйидаги ижодкорлар
танловнинг рағбатланти-
рувчи мукофотига сазо-
вор бўлдилар:

Муротбой Низонов ва
Тўраниёз Калимбетов
(Қорақалпоғистон Респуб-
ликаси) — «Боршитаулли
азамат деҳқон» видеофиль-
ми учун

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ориф Омонов (Қашқа-
дарё) — «Оловқалб одам-
лар», «Фидойи» китоблари
учун

Хайдар Санаев (Самар-
қанд) — «Менинг қишло-
ғим», «Бодом гуллаганда»
тасвирий санъат асарлари
учун

Малика Ниёзматова —
«Новий век» мустақил газе-

тасида чоп этилган «Меҳр ва
мурувват йили»га бағишлан-
ган туркум мақолалари учун
Дилшода Раҳматуллае-
ва (Хоразм) — «Экология»,
«Тўрт фасл», «Оқар дарё»
тасвирий санъат асарлари
учун

Шухрат Ориф — «Муста-
қиллик, маънавият, тикла-
ниш даври» мақолалари учун

Иброҳим Ҳаққул — «Та-
факкур» журналида эълон
қилинган «Абдулла Қаҳҳор
жасорати» эссеи учун

Зиёвуддин Мансур (На-
манган) — «Дилраболар ди-
ёри» шеърӣ тўплами учун
Раҳимжон Ризамуҳаме-
дов — «Амир Темур шажара-
си» тасвирий композицияси
учун

Дилбар Раҳимова —
«Ўзбекистон — умумий уйи-
миз», «Ягона оилада» туркум
телекўрсатувлари учун

Тошкентда халқаро магистратура

Шу йилнинг 25 август куни Тошкент ирригация ва мелиорация институтида "Экология. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш" мутахассислиги бўйича халқаро магистратура очилади.

Халқаро магистратурани ташкил қилиш лойиҳаси Европа Иттифоқининг "TEMPUS-EVASIA" дастури доирасида "Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида таълим дастурларини ривожлантириш" номи билан Ўзбекистоннинг урта йирик олий ўқув юрти – Андижон аграр университети, Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ҳамда Тошкент аграр университетида

амалга оширилмоқда.

Янги магистратурадаги дарслар инглиз тилида олиб борилади. Таълим жараёни голландиялик профессор ва ўқитувчилар томонидан видеоконференциялар воситасида масофадан туриб амалга оширилади.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА, Брюссель.

Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчихонасида "Ҳиндистон ва Марказий Осиё: умумий манфаатлар ривожини" деб номланган китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Долзарб мавзудаги китоб

Дехлида инглиз тилида чоп этилган мазкур тўплам асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Ҳиндистон муҳофаза тадқиқотлари ва таҳлили институти ҳамкорлигида 2003 йил 6-8 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган "Минтақавий хавфсизлик бўйича Ҳиндистон-Марказий Осиё III халқаро конфе-

ренцияси" материаллари ташкил этади. Унда жаҳоннинг 15 мамлакати ва иккита халқаро ташкилотдан 31 нафар муаллифнинг долзарб мавзу – Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги, халқаро миқёсдаги хавфсизлик муаммолари, минтақавий ҳамкорлик борасидаги маъруза ва мақолалари китобхонлар эътиборига ҳавола этилган.

«Жаҳон» АА.

Ўзбекистонга ўз доираси билан

Ўзбек халқининг бой маданий мероси европалар қизиқишини тобора орттириб бормоқда.

Ута Шилинг раҳбарлигидаги «Чилтон» немис фольклор ансамблининг шу йил биринчи сентябрь куни Ўзбекистонда бошланаётган танишув сафари бунга мисол бўла олади. Гуруҳ аъзолари уч ой давомида А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида малака оширишади.

1998 йил Берлиндаги Гумбольдт номли университет қошида ташкил топган мазкур ноёб фольклор жамоа иштирокчилари немис тингловчиларига ўзбек мусиқа санъатини тақдим этиш билан машғул. Концерт дастурларида доира, рубоб, гижжак каби шарқона чолғу асбобларида ижро этилган мумтоз ўзбек мусиқа асарларини тинглаш, ашула ва рақс санъати намуналаридан баҳраманд бўлиш мумкин.

«Жаҳон» АА.

Яна тўловлар ҳақида

Табиий газнинг хосияти ҳақида гапириб ўтириш ортиқча бўлса керак. Унинг қулайликларидан ҳамма баҳраманд. Бу қимматли табиий бойлик ёрдамида нуруналар ҳаракатга келтирилиб, электр энергияси ҳосил қилинмоқда, қозонхоналарда ёқилиб, иссиқлик ишлаб чиқарилмоқда. Асосий қисми аёл-

ларнинг уй бекаси сифатидаги ишини енгилаштириш мақсадида хонадонларга етказиб берилмоқда. «Зангори олов» уй-рўзгор ишларини осонлаштириш имконини берапти. Ҳар йили юзлаб қишлоқ оилалари бундай қулайликдан фойдаланиш имконига эга бўлмоқда.

Бу республика ҳукуматининг аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг асосийларидан биридир. Вилоятимизда хонадонларни газлаштириш жадал суръат ва кенг қўламда олиб боришмоқда. Бу катта маблағ талаб қилади. Сармоя эса корхона, ташкилот, хўжалик, фуқаролар томонидан газдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақлардан жамғарилади. У етарли бўлгандагина режа тўла амалга ошиши ва мижозларни газ билан таъминлаш бундан буён ҳам яхшиланиб бориши мумкин.

Демак, хонадонлардан табиий газ ҳақини мунтазам тўлаб бориш талаб этилади.

Тўғри, аксарият мижозлар хизмат учун тўловларни кечиктирмай газ етказиб берувчи идоралар ҳисобига ўтказмоқдалар. Аммо шундай хонадонлар ҳам борки, газдан фойдаланишга фойдаланадилар-у, ҳақини тўлашни кечиктириб юборадилар. Бу газчиларни ранжитмоқда, албатта. Вилоятимизда вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган текширувларда шундай нуқсонларга дуч келинмоқдаки, бу ачинарли ҳолдир.

Бундай мисолларни деярли барча шаҳар ва туманлардан келтириш мумкин. Хусусан, Пскент туманида айрим хонадонлар «рекорд» кўрсаткичларга эришганлар. Туманнинг Ойбек маҳалласи Гулистон кўчасида истиқомат қилувчи Ф. Йўлдошев узоқ ойлар давомида ёқилган газ ҳақини тўламаган. Оқибатда у йиғилиб қолиб, 228 минг 789 сўмдан ошиб кетди. Вақти-вақтида оз-оздан тўлаб борилса, бунчалик кўпайиб кетмас эди. Энди бирдан шунча маблағни тўлаш оғирлик қилади, албатта. Лекин начора, қарзни узиш керак. Акс ҳолда у янада кўпайиб кетиши ва ниҳоят газни узиб қўйиш мумкин. Шу кўчадаги 66-уйда истиқомат қилувчи Ш. Исмоиловлар хонадони ҳам газ ҳақидан анча қарздор бўлиб қолган.

Бундай қарздорлар туманнинг бошқа маҳаллаларида ҳам бор. Масалан, Ойбек маҳалласи С. Раҳимов кўчаси 4-хонадонда истиқомат қилувчи А. Топилов ишлатилган «зангори олов» ҳақини тўлашга ҳафсаласизлик билан муносабатда бўлди. Ҳа, бир кун тўланар, деб юрган

бу фуқаронинг қарзи 206 минг сўмдан ошиб кетганлигини «билмай» қолган. Шу маҳаллага қарашли Низомий кўчасида ҳам газ ҳақини вақтида тўлашни «эсдан чиқариб» қўядиган яна бир оила бор. У 27-уйда яшовчи Ҳ. Раҳимбоев исмли фуқародир. Тўғри, қарздорлик соҳасида маҳалладоши А. Топилов билан «беллашолмайди», лекин шу йилнинг 1 майгача газ учун қарзи 97 минг 372 сўмга етди.

«Ўртачирчиқтумангаз» идораси хонадонларга етказиб берилган газ ҳақи вақтида унмаётганлиги оқибатида ишчи-хизматчиларга иш ҳақини муддатда тўлашда қийинчиликларга дуч келмоқда. Чунончи, Наврўз маҳалласининг шу номли кўчасида яшовчи М. Маҳмадхўжаева бўлар-бўлмас бахоналар билан газ ҳақини тўлашни орқага суравергани оқибатида умумий қарзи 58 минг 172 сўмгача етган. Шу маҳалланинг Илғор кўчасида истиқомат қилувчи С. Бокованинг газчилардан қарзи 56 минг 270 сўм 90 тийинга

борган.

Шу ўринда «Янгийўлшаҳаргаз» идорасидан олинган яна бир маълумотни келтириб ўтиш жоиз. Шаҳарнинг Мезон маҳалласи У. Юсупов кўчасидаги 57-уй соҳибаси Мўминова шу йилнинг дастлабки тўрт ойидаёқ газ ҳақидан 219 минг 103 сўм қарз бўлиб қолди. Бундай мисолларни бошқа шаҳар ва туманлардан ҳам келтириш мумкин.

Юқорида исм-шарифлари келтирилган фуқароларнинг қарзлари шу йилнинг фақат дастлабки тўрт ойи ҳисобидан келтирилди. Балки бу фуқароларнинг айримлари, бу қарзларни узган ёки камайтирган бўлишлари мумкин. Бу айтиш муддао бўларди. Чунки, газ ҳақи пайсалга солинмай тўланса, коммуникациянинг бу зарур тармоғини ривожлантириш бўйича белгиланган режаларни кечиктирмай рўёбга чиқариш учун зарур маблағ тўпланарди. Шу мақсадга қаратилган барча чора-тадбирларни вақтида амалга ошириш билан биринчи навбатда фуқаролар хонадонларини «зангори олов» билан таъминлаш ва хизмат сифатини яхшилашда янги марраларга эришилган бўларди. Энг муҳими шунда.

Собир ҲАМИДОВ.

Тадбиркор аёлларни қўллаш мақсадида

Республика "Тадбиркор аёл" уюшмаси ҳамда "Ўзстандарт" агентлиги ҳамкорлигида "Хусусий товар ишлаб чиқарувчиларни сертификатлаштириш масалаларида қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида тадбир ўтказилди.

Мазкур анжуманда сўзга чиққанлар тадбиркорнинг самарали фаолият юритишида сертификатлаштириш масала-

си ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтишди. Авваллари сертификат олиш учун қатор идоралар ўртаси-

да сарсон-саргардон бўлган тадбиркорга Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнини соддалаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айтиш муддао бўлди.

«Туркистон-пресс».

Кичик бизнес ривожини учун

Тошкентда "Индустрия-савдо" товар ишлаб чиқариш компанияси томонидан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. Тадбир доирасида "Витра" тамғаси билан чиқарилган қурилиш жиҳозлари тақдими бўлиб ўтди.

Семинарда ҳамкорлик натижасида амалга оширилаётган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгиланди. Шунингдек, "Витра" тамғаси остидаги маҳсулотлар намоиши этилди.

«Туркистон-пресс».



Янги мавсум тараддуди

Янгийўл туманидаги «Мустақилликнинг 5 йиллиги» пахта тозалаш заводида ўтган йили туман хўжаликларида 19 минг 960 тонна пахта қабул қилиб олинди, 630 тонна сифатли тола тайёрланди ва унинг 98 фоизи чет мамлакатларга экспорт қилинди. Шу билан бирга 12 тонна С-6524 навли ва 21 тонна «Илғор» навли уруғлик чигит тайёрланиб, туман хўжаликлари тарқатилди.

Корхона жамоаси ўтган йилги пахта ҳосилини қайта ишлашни ниҳоясига етказиши билан янги мавсумга тайёргарликка киришди. Шу мақсадда 20 миллион сўм маблағ сарфланди. 4 та 25 тонналик тарозилар андоза талаблари даражасида созланиб, текширувлардан ўтказилди. Қурилиш ва тозалаш цехлари қайта таъмирланди. Улардаги мавжуд асбоб-ускуналар созланди, эскилари янгилари билан алмаштирилди.

Бундан ташқари, 18 та гидрант, 160 куб метрли сув ҳавзаси, 2 та артезиан насос, 3 та ўт ўчириш машинаси, 12 та бунт майдончалари ҳамда 3000 тонна уруғлик чигит сақланадиган омбор мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Заводдан ташқари ҳудудда эса пахта қабул қилиш пунктлари мавжуд бўлиб, бу ерда 22 та бунт майдончалари тайёрланди.

Хуришда НАЗАРОВА.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) чилангар Ортиқ Номозов ва механик Ботир Эрназаров чигитни туксизлантирувчи мосламани назоратдан ўтказишмоқда; (ўртада) ўт ўчириш ва соқчилар бўлимининг бошлиғи Валихон Мавлонов корхона мутахассислари Абдуғани Авазбеков ва Султон Мелибоев билан ёнғин хавфининг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида суҳбатлашмоқда.

Даврон АҲМЕДОВ
олган сураатлар.

Dushanba

23

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50. Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари.
9.40 «Бизнес ҳафта»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
Ёзги таътил кунларида:
10.05 «Камалак»
Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадий жамоаларининг концерти.
11.55, 16.10 ТВ анонс.
12.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача»
12.25, 13.50 ТВ клип.

12.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Тараққиёт йўли»
12.55 «Дастурхон атрофида»
13.05 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
14.10 «Шахсий фикр»
14.40 Кундузги сеанс: «Найранг». Бадий фильм.
16.15 «Қишлоқ ҳаёти»
16.35 «Буюк аждодларимиз». Беруний.
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Эртанги кун эгалари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.10 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Универсиада - 2000 йил. Наманган».

18.30 Мусикий альбом.
18.35 «Ҳаёт ва қонун»
18.55 Олимпиада хабарлари.
19.05 «Мулкдор»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Истиклол надида»
21.10 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили.
«Химмат»
21.30 Бир жуфт кўшиқ.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Шу азиз Ватан барчамизники»
22.00 «Ифтихор»
22.20 «Чолиқуши»
Бадий фильм. 6-қисм.
23.05 «Осиёнинг кашф этилиши». Хужжатли сериал премьераси (Япония)
23.30 «Ахборот»

дайжест»
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Давр» ҳафта ичида.
17.30, 22.40 ТВ-анонс.
17.35 «Янги авлод» студияси: Болалар шеърляти.
17.45 Ёзни «Қамолот» билан ўтказ.
18.05 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.25 Ёшлар овози.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.45 Мусикий лаҳзалар.
19.55 Дийдор.
20.15 Гуртинчи ютуклар ўйини: «Ажойиб ёзни NESTLE PURE LIFE ичимлик суви билан ўтказ»
20.35, 21.25, 22.35

Ўзлонлар.
20.40 «Ёлгон асираси». Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Бунёдкорлик» туркумидан: «Ўзбекистон - қурилишлар мамлақати». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида»
18.30, 20.00, 20.50, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»

кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал: «Мухаббат тарихи»
20.20 «Мурувват»
21.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам»
21.50 «Ёшлар даврасида»
22.10 Кинонигоҳ.
«Мухтарам жаноб»
23.20-23.25 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти»
9.15 «Орзудаги жамоа». Сериал.
10.05 «Спортимиз маликалари»
10.20-13.00 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Олимпиада-

2004»
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Мени кутгил»
20.00 «Время»
20.30 «Болалар спорти»
20.45 «Олимпиада-2004». Танаффусда «Хабарлар»
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 гача профилатика ишлари
16.55 Открытие программы 17.00 «Теле-хамкор» 17.30 «Детский час» 17.50 Киновечер на «30-м»: «Берегись, ла тур!»
приключения 19.20 «Не ссорьтесь девочки», сериал 20.10 «Ошикона», мусикий дастури 20.40 «Спокойной ночи малыши» 21.00 «Теле-хамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.00 Киновечер на «30-м»: «Воздушные приключения», комедия 24.00 Программа передач

Seshanba

24

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 «Ўзбеккино» намойиши: «Муқаддас ёғду»
9.00 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари»
Хужжатли телесериал.
9.50 Мумтоз наволар.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
Ёзги таътил кунларида:
10.05 «Мулкдор»
10.25 «Бўронлар ҳукмдори». Бадий фильм.
11.55, 12.35 ТВ анонс.
12.05 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. «Химмат»
12.25 «Энг ширин қовун». Мультифильм.
12.40 «Табият шифохонаси»
12.50 «Раксинг сехрли олами»
13.10 «Мирзо Улугбек». Телеспектакль. 5-қисм.
13.50 ТВ клип.

14.10 «Муносабат»
14.40 «Шу азиз Ватан барчамизники». 1-қисм.
15.00 «Қалб гавҳари»
15.20 Мусикий танаффус.
«Болалар сайёраси»:
15.35 1. «Орзулар қанотида». 2. «Кувнок стартлар»
16.35 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Универсиада-2002 йил. Бухоро»
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»
18.10 «Буюк аждодларимиз». Хожа Аҳрор Валий.
18.30 Мусикий альбом.
18.35 Олимпиада хабарлари.
18.45 «Корея бўйлаб саёҳат». 1-қисм.
19.05 «Тафсилот»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот»
21.05 «Истиклол надида»
21.10 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «ШХТ: Келажакка интилиб». Премьера.
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Шу азиз Ватан барчамизники». 2-қисм.
22.10 «Чолиқуши»
Бадий фильм. 7-қисм.
22.55 «Осиёнинг кашф этилиши». Хужжатли сериал премьераси.
23.20 «Ахборот-дайжест»
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Болалар шеърляти.
8.40 «Мультимоша»
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Давр» - репортаж.
9.35 «Ёлгон асираси». Телесериал.
10.15, 15.55, 19.50 ТВ-анонс.

10.20 Ёзни «Қамолот» билан ўтказ.
10.40 «Бегоналарга кириш мумкин эмас, мумкин». Бадий фильм.
11.50 Дийдор.
12.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Бунёдкорлик» туркумидан: «Ўзбекистон - қурилишлар мамлақати». Видеофильм.
12.30, 17.15 Ёшлар овози.
12.50, 20.20 Мусикий лаҳзалар.
13.10 «Кундуз амакининг хикоялари». Мультифильм.
13.25 «Умр дафтари» туркумидан: Яхё Фуломов. Видеофильм. 1-қисм.
13.45 «Ўзбектеле-фильм» студияси намойиши: «Фасли ёз»
13.55 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.15 Интерфутбол.
16.10 Сийрат.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаҳа.
16.55 «Ёрдамчилар»

Мультифильм.
17.05 Таянч.
17.35 Фарзандим - жигарбандим.
18.05 Анвар Собиров куйлайди.
18.25 Марди майдон.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью.
19.55 Ишга марҳамат!
20.00 Сайлов - демократия кўзгуси.
20.30 Сув - ҳаёт манбаи.
20.35, 21.25, 22.35 Ўзлонлар.
20.40 «Ёлгон асираси». Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Ўн етти ёшлар». Бадий фильм.
0.15-0.20 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»

17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болалар спорти»
18.30, 20.00, 20.50, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал: «Мухаббат тарихи»
20.20 «Билим» телеклуби.
21.10 «Ёз кунларининг бирида»
21.55 «Инсон ва қонун»
22.15 Кинонигоҳ:
«Болаларим қаерда?»
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти»
9.15-13.00 «Олимпиада-2004»
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Олимпиада-2004»
18.00 «Клон». Сериал.

19.00 «Қора қузғун». Сериал.
20.00 «Время»
20.30 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади). Танаффусда «Хабарлар»
23.45 «Олимпиада кундалиги»
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Не ссорьтесь девочки», сериал 14.00 Художественный фильм, «Воздушные приключения», комедия 15.30 «Ошикона», мусикий дастури 16.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.00 «Теле-хамкор» 17.30 «Детский час» 17.50 Киновечер на «30-м»: «Неудержимые», остроумный фильм 19.20 «Не ссорьтесь девочки», сериал 20.10 «Ошикона», мусикий дастури 20.40 «Спокойной ночи малыши» 21.00 «Теле-хамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.00 Киновечер на «30-м»: «Имитатор», комедия 24.00 Программа передач

Chorshanba

25

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Мафтункор қабутлар»
9.00 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари»
Хужжатли телесериал.
9.50 «Най наволар»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Тафсилот»
Ёзги таътил кунларида:
10.25 «Орзулар камалаги». Бадий фильм.
11.30 «Саргузаштлар ороли»
12.05 «Ўзбекистон бастакорлари»
12.25 «Масъул сўз»
12.45 ТВ анонс.
12.50 «Мирзо Улугбек». Телеспектакль. 6-қисм.
14.10 «КиноТеатр»
14.30 «Шу азиз

Ватан барчамизники». 2-қисм.
14.50 Кундузги сеанс: «Колонна». Бадий фильм. 1-қисм.
15.55 «Ягона оилада»
16.25 «Яхшилик»
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Қизикарли учрашувлар»
18.10 «Агар Сиз»
18.35 Олимпиада хабарлари.
18.45 «Имконият»
19.05 «Корея бўйлаб саёҳат». 2-қисм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Истиклол надида»
21.10 «Солиқ хизмати хабарлари»
21.15 Иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

нинг. ўн бешинчи сессияси олдидан. «Парламент вақти»
21.35 Мусикий альбом.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Тараққиёт йўли»
22.00 «ЎЗДЭУавто»
Сиз учун.
22.15 «Келин-қўёв»
23.15 «Ахборот-дайжест»
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаҳа.
8.50, 11.45, 16.10, 19.35, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Ёлгон асираси». Телесериал.
10.05 «Давр» - интервью.
10.20 Сув - ҳаёт манбаи.
10.25 Таянч.

10.35 Жаҳон жуғрофияси.
11.25 «Ўзбеккино» намойиш этади: «Танбур»
11.50 Сайлов - демократия кўзгуси.
12.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
12.30, 17.55 Ёшлар овози.
12.50, 15.45, 20.10 Мусикий лаҳзалар.
13.10 «Кундуз амакининг хикоялари». Мультифильм.
13.25 «Умр дафтари» туркумидан: Яхё Фуломов. Видеофильм. 2-қисм.
13.45 Болалар экран: «Қизил гул»
14.25 Фарзандим - жигарбандим.
14.55 «Ошику бекаролар». Бадий фильм. 1-қисм.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Янги авлод» студияси: Оқ қабутар, Соғлом авлод.
17.00 Тенгдошлар.
17.20 Наво.
17.35 Қўли гул уста.

18.15 Ракурс.
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Автопатруль.
20.00 Спорт-лото.
20.15 Очил дастурхон.
20.35, 21.25, 22.35 Ўзлонлар.
20.40 «Ёлгон асираси». Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Ринг қироллари.
23.35-23.40 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз, кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болаларим қаерда?»
18.30, 20.00, 20.50,

21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал: «Мухаббат тарихи»
20.20 «Химоя»
21.10 «Мустақиллик надида»
21.50 «Мусикий меҳмонхона»
22.10 «Аёл қалби»
22.35 Кинонигоҳ:
«Келиб айтганларим»
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти»
9.15 «Кувнок стартлар»
9.50 «Баҳодирлар ўйини»
10.30-16.30 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Хабарлар» (рус тилида)

18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Қора қузғун». Сериал.
20.00 «Время»
20.30 «Олимпиада-2004». Танаффусда «Хабарлар»
23.45 «Олимпиада кундалиги»
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Не ссорьтесь девочки», сериал 14.00 Художественный фильм, «Имитатор», комедия 15.30 «Спорт-экстрим» 16.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.00 «Теле-хамкор» 17.30 «Детский час» 17.50 Киновечер на «30-м»: «В зоне особого внимания», остроумный фильм 19.20 «Не ссорьтесь девочки», сериал 20.10 «Ошикона», мусикий дастури 20.40 «Спокойной ночи малыши» 21.00 «Теле-хамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.00 Киновечер на «30-м»: «Азы убийства», триллер 24.00 Программа передач

Payshanba

26

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Тўй либослари»
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Қизикарли учрашувлар»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 Аниқло сабоқлари.
Ёзги таътил кунларида:

10.25 «Қизалоқ, кинода ўйнашни хоҳлайсанми?» Бадий фильм.
11.40 «Тараққиёт йўли»
12.05 «Ҳаёт ва қонун»
12.25 «Ҳаракатда - баракат»
12.40 «Дунё бўйлаб»
13.00 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи»
14.10 «Агар Сиз»
14.35 Кундузги сеанс: «Колонна». Бадий фильм. 2-қисм.
15.40 «Парламент вақти»
16.00 «Парле ву франсэ»
«Болалар сайёраси»:

16.20 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк»
17.20 «Мулки борлик»
17.40 «Харита»
Халқаро шарҳ.
18.10 «Зийнат»
18.30 Мусикий альбом.
18.35 Олимпиада хабарлари.
18.45 «Маслак ва мақсад»
19.05 «Соғлом она - соғлом бола»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Истиклол надида»
21.10 Иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

ўн бешинчи сессиясида.
22.40 «Хониш». Мусикий дастур.
23.10 «Ахборот-дайжест»
23.30 Нақадар тотли сўз
«Ўзодлик» рункида: «Йўлбошчи». Бадий фильм.
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ қабутар.
8.50, 16.10, 19.50, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Ёлгон асираси». Телесериал.

10.05 Тенгдошлар.
10.25 Саломатлик сирлари.
10.45 «Мультимоша»
11.00 Тафаккур ёлқинлари.
11.15 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.40 Спорт-китъаси (рус тилида)
12.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
12.30, 18.00 Ёшлар овози.
12.50, Мусикий лаҳзалар.
13.10 «Кундуз амакининг хикоялари». Мультифильм.
13.25 Соғлом авлод.
13.45 «Умр дафтари» туркумидан: Яхё Фуломов. Видеофильм. 3-қисм.

14.05 Қўли гул уста.
14.25 Автопатруль.
14.45 «Ошику бекаролар». Бадий фильм. 2-қисм.
15.50 Мультифильм.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Янги авлод» студияси: Шум, болалар.
16.40 Ёшлар ва ҳуқуқ.
16.55 Озод юрт фарзандлари.
17.15 Ёшлар қуйлаганда.
17.35 «Coscom» хабарлари.
17.40 Истиклол умидлари.
18.20 Табобат оламида.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью.
19.55 Ишга марҳамат!

20.00 Қулгич.
20.05 Мезон.
20.25, 21.15, 22.35 Ўзлонлар.
20.30 «Ёлгон асираси»
21.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Хонадон ўчоғи». Бадий фильм.
0.15-0.20 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40

«Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навнихол».
18.30, 20.00, 20.50, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклимиз-кутлаймиз».
19.20 ТВда сериал: «Мухаббат тарихи».
20.20 «Эл хизматида».

21.10 «Бурч ва масъулият».
21.50 Кинонигоҳ: «Миршаблар ва Роббинсонлар».
23.20-23.25 Хайрли тун, шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Орзудаги жамоа». Сериал.
9.40 «От спорти».
Республика биринчилиги.
10.10 «Спорт - менинг ҳаётим».
10.25-14.25 «Олимпиада-2004» (тўғридан-

тўғри олиб кўрсатилади).
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Олимпиада-2004».
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Кора кузгун».
Сериал.
20.00 «Время».

20.30 «Олимпиада-2004». Танаффусда «Хабарлар».
23.45 «Олимпиада кундалиги».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час»

13.00 «Не ссорьтесь девочки», сериал 14.00 Художественный фильм, «Азы убийства», триллер 15.30 «Спорт-экстрим» 16.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.00 «Теле-хамкор» 17.30 «Детский час» 17.50 Киновечер на «30-м»: «Призрачная цель», остросюжетный фильм

19.20 «Не ссорьтесь девочки», сериал 20.10 «Ошикона», мусикий дастури 20.40 «Спокойной ночи малыши» 21.00 «Теле-хамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.00 Киновечер на «30-м»: «Смертельно опасные герои», остросюжетный фильм 24.00 Программа передач

Juma

27

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Бахмал», «Водил».
Болалар сайёраси: 9.00 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
Ёзги таътил кунларида: 10.05 «Семур».
Бадий фильм.
11.15 «Зийнат».
11.35 «Ўзлинг намойиш қил».
Экранда - Сурхондарё вилояти.
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
12.55 «Булбулгўё».
Фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
13.10 «Бу турфа олам».
14.10 «Маслак ва мақсад».

14.30 Кундузги сеанс: «Сўнги совға».
Бадий фильм.
16.20 «Мувоzanат».
«Болалар сайёраси»: 16.40 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
17.40 «Яхшилар ёди».
18.10 «Сихат-саломатлик».
18.30 Бир жуфт кўшиқ.
18.40 Олимпиада хабарлари.
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этикод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Дастурхон атрофида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ хизмати хабарлари».
21.15 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи

сессиясида.
22.15 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Созлар навоси».
Фильм-концерт премьераси.
22.45 Накадар тотли сўз «Озодлик».
руқнида: «Ватанпарвар». Бадий фильм. 1-қисм.
24.00 «Ахборот-дайжест».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Шум болалар.
8.50, 10.20, 12.55, 15.55, 19.35, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Ёлгон асираси».
Телесериал.
10.05 «Давр»-интервью.
10.25 «Ўзбектеле-фильм» студияси намойиши: «Ўзбекистон маркаси».
10.35 Ёшлар ва ҳуқуқ.
10.50 Истиклол

умидлари.
11.10 Болалар экрани: «Сехрланган бола».
11.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
12.25 Ёшлар овози.
12.45, 19.40 Мусикий лаҳзалар.
13.10 «Кундуз амакининг ҳикоялари».
Мультсериал.
13.25 «Умр дафтари» туркумидан: Ойбек. Видеофильм. 1-қисм.
13.45 Озод юрт фарзандлари.
14.05 «Эртақлар тарқатган дара».
Бадий фильм.
15.25 Мезон.
15.45 «Уч оғани».
Мультфильм.
16.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
17.25 Огоҳлик - давр талаби.
17.45 Томир.
18.05 Аскар мактублари.
18.25 Қишлоқдаги тенгдошим.

18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.50 2004 - Мехр ва муруват йили.
Азизим.
20.20 Ватан ҳақида кўшиқ.
20.25 Ўзимизники.
20.35, 21.25, 22.35 Ёлонлар.
20.40 «Ёлгон асираси».
Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Замондошларим».
Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 Кинотақдим.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.45-0.50 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклимиз-кутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажон-қажажон».
18.30, 20.00, 20.50,

21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклимиз-кутлаймиз».
19.20 ТВда сериал: «Мухаббат тарихи».
20.20 «Ўзбектеле-фильм» студияси намойиш этади: «Тонинг гули ўзгача».
21.10 «Аёллар салтанати».
21.55 Кинонигоҳ.
«Хисобли никоҳ».
23.25-23.30 Хайрли тун, шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Федерация фаолияти».
9.35-13.35 «Олимпиада-2004».
15.25 Кўрсатувлар тартиби.
15.30 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Олимпиада-2004».
18.50 «Мўъжизалар майдони».

20.00 «Время».
20.30 «Болалар спорти».
20.50 «Олимпиада-2004».
Танаффусда «Хабарлар».
23.45 «Олимпиада кундалиги».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Не ссорьтесь девочки», сериал 14.00 Художественный фильм, «Смертельно опасные герои», остросюжетный фильм 15.30 «Ошикона», мусикий дастури 16.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.00 «Теле-хамкор» 17.30 «Детский час» 17.50 Киновечер на «30-м»: «Летние каникулы», комедия 19.20 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса 20.10 «Ошикона», мусикий дастури 20.40 «Зарубежные клипы» 21.00 «Теле-хамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.00 Киновечер на «30-м»: «Плохие мальчики», остросюжетный фильм 24.00 «Ночной канал» - «Только ты», комедия

Shanba

28

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Ўзбекистон» такдим этади: «Мўлжал бузрук».
«Болалар сайёраси»: 8.50 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
9.50 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этикод мустаҳкамлиги йўлида».
10.10 «Мусиқа дунёси».
10.30 «Солиқ хизмати хабарлари».
10.40 «Бу турфа олам».
11.30 «Тафсилот».
11.45 «Фликнинг саргузаштлари».
Мультфильм.
13.15 «Хониш».
Мусикий дастур.
13.45 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Аҳил оила».
Бадий фильм.
15.20 ТВ анонс.

15.25 «Дўстлик» студияси: 1. «Ўзбекистон - умумий уйимиз». 2. «Умид». 3. «Истоки».
16.25 «Таълим ва тараққиёт».
16.45 «Изоҳ».
17.20 «Табиат шифохонаси».
17.30 «Калб гавҳари».
17.50 «Мусиқа: кеча ва бугун».
18.10 Болалар учун.
«Саргузаштлар ороли».
18.40 Олимпиада хабарлари.
18.50 «Бугуннинг одамлари».
19.10 «Ўзлото».
Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиклол нашидаси».

21.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Тараққиёт йўли».
21.30 «Кўшигимиз Сизга армуғон».
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури.
21.50 Накадар тотли сўз «Озодлик».
руқнида: «Ватанпарвар». Бадий фильм. 2-қисм.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
8.50, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 19.00 Давр.
9.25 «Ёлгон асираси».
Телесериал.
10.05 Томорқа.
10.15 Табобат оламида.
10.40 Томир.
11.00 Мусикий лаҳзалар.
11.10 Огоҳлик - давр

талаби.
11.30 Бола тилидан.
12.00 «Мульттомоша».
12.15 Кутилмаган меҳмон.
12.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Замондошларим».
Видеофильм.
13.00 «Кўёшли тош».
Бадий фильм. 1-қисм.
14.25 «Умр дафтари» туркумидан: Ойбек. Видеофильм. 2-қисм.
14.45 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.05 Интерфутбол.
16.45 «Остона».
Телевизион бадий фильм. 1-қисм.
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» студияси. Истиклол гунчалари.
18.00 Сув ҳам тугайди-ми?
18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Ватан мадҳи».
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.35 «Давр» - репортаж.

19.45 Мехр кўзда.
20.25, 22.35 Ёлонлар.
20.30 «Ёлгон асираси».
Телесериал.
21.15 Оқнарабо.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 «О, бу муҳаббат».
Бадий фильм.
0.10-0.15 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани.
17.45 «Табриклимиз-кутлаймиз».
17.55 «Мультчархпалак».
18.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.30, 20.00, 21.20, 22.25 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Жаҳон географияси».
19.20, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Экран зийнати ва қиймати».
20.20 «Афиша».
20.50 «Табриклимиз-кутлаймиз».
21.40 «Мисли гавҳар».
21.55 «Нима учун?»
22.45 «Биргаликда куйлаймиз».
23.30 Кинонигоҳ: «Асрлар оша».

1.10-1.15 Хайрли тун, шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Рақибингиз грассмейстер».
9.30 «Соғломлаштирувчи йоғ».
Инглиз тилида.
9.40 «Орзудаги жамоа». Сериал.
10.30-14.00 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Болалар спорти».
17.30 «Олимпиада-2004».
18.30 Футбол. Ўзбекистон чемпиони.
«Пахтакор» - «Сурхон» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
20.20 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
Танаффусда «Хабарлар».

23.45 «Олимпиада кундалиги».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Открытие программы 9.05 «Теле-хамкор» 9.30 «Детский час» 10.00 Фильм детям: «Принцесса Мононоке», 1-часть, мультфильм 11.30 «Окно в мир» - документальный фильм 12.00 «Плохие мальчики», остросюжетный фильм 13.40 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса 14.30 Индийское кино: «Жениться по любви» 17.10 «Дикая планета», познавательная передача 18.00 «Теле-хамкор» 18.20 Киновечер на «30-м»: «Спецназ нового поколения», остросюжетный фильм 19.50 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 Хит-парад.uz 21.20 «Теле-хамкор», фойдали газета 21.30 «Литовский транзит», сериал 22.20 Киновечер на «30-м»: «Скорость полёта» остросюжетный фильм 24.00 «Ночной канал» - «Против течения», драма

Yakshanba

29

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 «Лаззат сеҳри».
12.40 Вилот хонандалари куйлайди.
13.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Тараққиёт йўли».
13.20 «Бугуннинг одамлари».
13.40 Эстрада тароналари.
14.00 «Дўстлик» студияси: 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар». 3. «Айчу-рек». 4. «Гардашлиг дунёсида».
15.20 «Портретга чизгилар».
15.35 ТВ анонс.

15.40 «Қорақалпоқнома».
«Болалар сайёраси»: 16.00 1. «Фаройиб-кентга саёҳат». 2. «Олтин тоғ». Телевизион ўйин.
17.00 «Истиклол мушоираси».
17.20 «Иқтидор».
Телеўйин.
18.10 «Рангин дунё».
18.30 Бир жуфт кўшиқ.
18.40 Олимпиада хабарлари.
18.50 «Бизнес ҳафта».
19.05 «Масъул сўз».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёлонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан - кўрсатувгача».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Истиклол нашидаси».
21.20 2004 йил - Мехр ва муруват йили.
«Ободлик кўнгилдидир».
21.40 «Наволарим сенга, она юрт!»
21.55 Ўзбекистон Республикаси муста-

қиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Асрга тенг йиллар».
1-қисм.
«Якшанба кинозали»:
22.15 «Накадар тотли сўз «Озодлик».
руқнида: «Шерюрак».
Бадий фильм. 1-қисм.
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси. Истиклол гунчалари.
8.45 «Қимматбаҳо совға».
Мультфильм.
8.55 Иқлим.
9.00 «Давр»-репортаж.
9.10 Очил дастурхон.
9.30 «Ёлгон асираси».
Телесериал.
10.15 Кинотақдим.
10.35 «Умр дафтари» туркумидан: Ҳамид Сулаймон. Видеофильм. 1-қисм.
10.55 Ёшлик наволари.
11.05 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий - ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари.

11.45 2004 - Мехр ва муруват йили.
Азизим.
12.15 «Кўёшли тош».
Бадий фильм. 2-қисм.
13.40 Чемпион сирлари.
14.00 «Умр дафтари» туркумидан: Ойбек. Видеофильм. 3-қисм.
14.15 «Заковат».
Интеллектуал ўйини.
15.15 Саёҳатнома.
15.35 «Мульттомоша».
16.05 Ринг қироллари.
16.55 «Остона».
Телевизион бадий фильм. 2-қисм.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» студияси: Уй вази-фаси.
18.15 Спорт ҳафтано-маси.
18.30 ТВ-афиша.
18.35 Диёр Маҳхамов куйлайди.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр».
19.25 Кулгич.
19.30 Сув - ҳаёт манбаи.
19.35 Мусикий лаҳзалар.
19.45 «Қилни қирқ ёриб».
Интеллектуал ўйини.
20.35, 21.25, 22.30 Ёлонлар.

20.40 «Ёлгон асираси».
Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Замондошларим».
Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 «Чимилдик».
Бадий фильм.
23.50-23.55 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани.
17.35 «Табриклимиз-кутлаймиз».
17.45 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
18.30, 20.00, 20.50, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Жаҳон географияси».
19.15, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
19.25 «Шунақа гаплар».
Ҳажвий кўрсатув.
19.40 «Дугонлар».
20.20 «Табриклимиз-кутлаймиз».
21.10 «Хайрли оқшом».
21.40 «Тв плюс».
22.30 ТВда премьераси:

«Мухаббат ҳазил эмас».
00.20-00.25. Хайрли тун, шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Полвон бўлмоқ-чиман».
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдали-гиди».
10.10 «Болалар спорти».
10.25 «Кувноқ стартлар».
11.00-13.00 «Олимпиада-2004».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Бинафша».
17.30 «Олимпиада кундалиги».
17.55 «Спорт - клуб».
18.10 «Олтин граммофон».
20.00 «Время».
20.45 «Олимпиада-2004».
Танаффусда «Хабарлар».
23.15 «XXVIII ёзги

Олимпиада ўйинларининг ёпилиш маросими» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
02.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Открытие программы 9.05 «Теле-хамкор» 9.30 «Детский час» 10.00 Фильм детям: «Принцесса Мононоке», 2-часть, мультфильм 11.30 «Теле-хамкор» 11.30 «Скорость полёта», остросюжетный фильм 13.30 Хит-парад.uz 14.30 Дневной кинозал: «Динозавры двадцатого века» остросюжетный фильм 16.20 «Фактор страха» 17.10 «Дикая планета», познавательная передача 18.00 «Теле-хамкор» 18.20 Киновечер на «30-м»: «Тёмные цели», остросюжетный фильм 19.50 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Литовский транзит», сериал 21.20 «Теле-хамкор» 21.40 «Музыкальная пауза» 22.20 Воскресный киноветер на «30-м»: «Жестяной кубок», комедия 24.00 Программа передач

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●


Боксчиларимиз - чорак финалда!



Афина (ЎЗА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ). Олимпиада ўйинларида жаҳон чемпиони Ўткир Ҳайдаровдан сўнг яна икки ўзбек боксчиси чорак финалга чиқди. Улар – Дилшод Маҳмудов ва Шерзод Ҳусанов.

Д.Маҳмудов бразилиялик Алессандро Матосни 26-16 ҳисобида маглубиятга учратди. Туркиялик Булент Улусой эса 23-9 ҳисобида Ш.Ҳусановга имкониятни бой берди.

– Мен Сидней олимпиадасида бир жангда ютиб, иккинчисида енгилган эдим, – деди Ш.Ҳусанов. – Бу гал Олимпиадага янада пухта тайёргарлик кўрдим. Энди ярим финалга чиқиш учун икки карра



олимпиада ўйинлари чемпиони россиялик Олег Саитовга қарши жанг қиламан. Уни яқинда Москвада ўтган турнирда енгган эдим.

Енгил атлетикачиларимиз Любков Перепелова ҳамда Гузал Хубиева 100 метрга югуриш беллашувларида иккинчи босқинга кўтарилди.

Саралаш баҳслари якунланди

Тошкент туманидаги 9-мактаб спорт мажмуида катталар ўртасида Турон яккакураши бўйича вилоят саралаш мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда Янгийўл, Зангиота, Тошкент, Қибрай туманлари ҳамда Чирчиқ шахридан 140 нафарга яқин спортчи иштирок этди. Улар саккизта вазн тоифасида кураш олиб бордилар. Баҳсларда умумжамоа ҳисобидаги 1-ўрин Тошкент туманидаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ) яккакурашчиларига насиб этди. Иккинчи ўринни

ҳам шу тумандаги 2-БЎСМ спортчилари қўлга киритишди. 3-ўринга эса чирчиқлик меҳмонлар сазовор бўлишди.

Ушбу саралаш мусобақаси ғолиблари 10-13 сентябрь кунлари Нукусда ўтказиладиган халқаро турнирда вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Муҳаммад СУННАТОВ.

● Сўраган эдингиз

Орзиқиб кутганимиз Олимпиада ўйинлари авж олиб кетди. Унда юртимиз вакиллари ҳам қатнашаётганлиги фахрли, албатта. Бизни жаҳон олимпиада ҳаракати тарихи қизиқтириб қўйди. Айтинг-чи, ушбу нуфузли, қолаверса, миллионлаб мухлис-

лар эътиборини жалб эта олган олимпиада ўйинлари тарихда қай йўсинда шаклланиб, анъанавий тус олган? Шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангиз.

Ахбор ЗУФАРОВ (15 ёш), Зангиота тумани.

Қадимги Юнонистонда кучли, илдам кишилар ўртасидаги спорт ўйинлари тўрт йилда бир марта ўтказилган. Юнон афсоналарида ҳикоя қилинишича, Зевс ва бошқа илоҳлар юксак тоғ тепасида макон қуришган. У жой «Олимп» дейилган. Ўйинлар Зевснинг улуғлаш учун, унинг шарафига уюштирилгани боис, у «Олимпия ўйинлари» деб юритилган.

Олимпия ўйинларини дастлаб Зевснинг ўғли Геракл ташкил қилган деган ривоят ҳам бор.

Геракл Олимпия ўйинларини ўтказиш учун тоғдаги энг гўзал водийлардан бирини танлаган. Югуриш майдонини аниқлаб, йўлакнинг узунлигини тоvon билан ўлчаб, уни 600 тоvon қилиб белгилаган. Бу ҳозирги ҳисобда 192 метр 3 сантиметрга тенг келади. Аммо, кейинчалик Олимпия ўйинлари турли жойларда ўтказилиб, югуриш йўлагининг узунлиги ҳам ўзгарган. Чунки йўлакни ўлчаган кишиларнинг тоvonи турлича эди-да. Югуриш йўлагига юнонча «стадий» деб аталган. «Стадий» сўзининг келиб чиқиши ҳам шундан.

Қадимдан қолган ҳужжатларда қайд қилинишича, биринчи Олимпия ўйинлари бундан сал кам 2 минг 800 йил муқаддам бўлиб ўтган экан. Ўйинлар беш кун давом этган. Биринчиликни олган энг зўр, энг кучли ва матонатли спортчиларга мукофотлар инъом қилиниб, катта олқишлар остида «Олимпия ғолиби» деган ном берилган.

Натижада Юнонистонда жисмоний тарбия ва спорт шу даражада оммавийлашиб кетгани, Олимпия ўйинларида қатнашиш учун Юнонистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларидан, ҳатто чекка ўлкалардан ҳар гал спорт усталари йиғилган. Ўйинларга тайёргарлик кўрилатган пайтда, ўйин давомида ва ундан сўнг уч ойгача Юнонистон фуқаролари учун «Муқаддас тинчлик» даври бўлган. Шу даврда урушлар тўхтатилган, ҳатто безорилик ва бошқа ғайриқонуний номаъқулчиликлар ҳам ўз-ўзидан барҳам топган.

Олимпия ўйинларида уч маротаба чемпион бўлган ғолибларнинг ҳайкаллари ясалиб, маъбудалар қаторида ибодатхоналарга қўйилган. Бу билан юнонлар забардаст, матонатли ва иродали кишиларни маъбудларга тенглаштиришган.

Албатта, оддий спортчиларни бу хил улуғлашлари уларни шарафлаб, ҳамду санолар айтиш Рим империяси ҳукмдорларига ёқмаган. Шу боис император Федосий I 394 йили

Олимпия ўйинларини тақиқлаб қўяди. Унинг ўғли Федосий II эса, жохилликда отасидан ҳам ўтиб тушиб, мамлакатдаги спорт иншоотларини буздириб ташлатади. Фақат бир ярим минг йилдан сўнг франциялик барон Пьер де Кубертеннинг ташаббуси ва астойдил олиб борган амалий ишлари натижасидагина Олимпия ўйинлари қайтадан тикланди.

Сўнгги юз йилдан ортиқ давр мобайнида

қўмиталари ҳамда спортнинг барча турлари бўйича ташкил этилган халқаро федерациялар ўз сафларига миллион-миллион спорт ҳаваскорларини бирлаштирган. Бу ҳаракат ўзининг мустақкам маънавий негизига эга бўлиб, унинг номи «Олимпизм» дид.

Шундай қилиб, Олимпизм спорт, маданият ва таълим билан узвий қўшилиб кетган миллий тарбия қадриятлари, умумахлоқ

тамоийллари негизида жисмоний чиниқшдан ҳузувланиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришдир. Шу боис мамлакатимизда ҳам болалар спортини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар ёшлар соғлигини, уларнинг камолотини ўйлайдиган юзлаб, минглаб кишиларнинг қалбига чўғ ташлади. Айниқса, ота-оналарнинг севинчини айтмайсизми? Улар учун бола спорт билан шуғулланиб, жисмоний бақувват бўлиши бир фойда бўлса, мактабдан ташқарида фойдали машғулот билан банд бўлиши минг фойда. Шу боис, Юртбошимиз ташаббуслари билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши кўпчилик ота-оналарнинг кўнглидаги иш бўлди.

Болалар спортини ривожлантириш тадбирларини амалга оширишга корхоналар, турли ташкилотлар, мустақил фаолият юритувчи ҳўжалик раҳбарлари, бағри кенг тадбиркорлар ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Вақти келиб, мамлакатимизнинг олис-олис қишлоқларида ҳам гимнастика заллари, ёпиқ сув ҳавзалари, йирик-йирик спорт мажмуалари қад кўтаради. Шунда халқимизнинг юксак соғлом турмуш тарзи янада шаклланади, мафтунокор спорт ҳаммининг қалбидан жой олади.

Зеро, спорт ўйин қоидаларини бузмай, беғаразлик билан мусобақада бор кучни, имкониятни, ақл-идрокни, қобилиятни намойиш қилиб, ғалабага интилиш, зўр келганда ўзганинг устунлигини холисона тан олишдир.

Кўпинча спорт жисмоний тарбия билан тенглаштирилади. Аслида бу бир-бири билан уйкаш, бири иккинчисини тўлдирадиган, бир-бирини ифода этадиган ижтимоий ҳодисадир. Спорт ватанпарварлик туйғусини шакллантиради, спорт кишиларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан камолга етказувчи муҳим омилдир.

Хўжабой ЙЎЛДОШЕВ.

● Шарҳловчи минбари

Мусобақалар беҳавотир ўтади

Жаҳон ҳамжамиятининг асосий диққат-эътибори 13 август кун Греция пойтахти Афинада бошланган Олимпиадага қаратилган. Олимпия ўйинлари ўтказиладиган жойларда барча шароит муҳайё.

Шундай бўлса-да, кўпчиликни хавфсизлик қай даражада таъминланган, бу борада қандай тадбирлар амалга оширилмоқда, деган саволлар қизиқтирмоқда.

Греция ҳукумати ушбу мусобақаларни ўтказиш учун 7,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлади. Халқаро олимпия қўмитаси эса айнан хавфсизликни таъминлаш учун ташкилий қўмитага 905 миллион доллар ажратган.

Айни пайтда пойтахтда ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларида етмиш мингга яқин тартиб посбони ва махсус хизмат ходими хавфсизликни таъминламоқда.

Хавфсизликни таъминлашга Греция ҳукумати 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиши керак эди. АҚШ, Исроил, Европадаги айрим мамлакатлар ҳамда НАТО Грецияга амалий ёрдам бериб, харажатни анча енгиллатди.

Греция Бош вазيري Константинос Караманлис Олимпиада очилиш арафасида «Вашингтон пост» газетасига интервью бериб, мусобақа қатнашчиларининг хавфсизлиги учун барча иштирокчи мамлакатлар биргаликда қайғуриши ва маблағ ажратиши зарур, деди.


Кузатувчиларнинг таъкидлашича, мазкур йирик тадбирнинг тинч ва осойишта ўтиши учун ҳар бир давлат ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилмоғи лозим. Бу борада АҚШ кўпроқ эҳтиёт чораларини кўраётган мамлакатлардан. Масалан, АҚШнинг Грецияга хавфсизликни таъминлаш учун жўнатган «делегацияси» аъзолари сони, ушбу мамлакатнинг Афинадаги спортчилари сонидан кўп. 530 спортчини АҚШдан келган олти юздан зиёд ҳарбий қўриқлаётир.

Оқ уй маъмурияти вакилларининг сўзларига қараганда, эндиликда АҚШ авиакомпанияларига қарашли самолётларда Афинага учаётган йўловчиларни АҚШ Федерал хавфсизлик хизмати ходимлари қўриқлаб бормоқда. Ўртаер денгизи ҳавзасидаги мамлакатларда 400 америкалик махсус хизмат ходими зарур бўлганда Афинага тезкор ёрдамга етиб бориш учун шай ҳолатда турибди.

Жасур КЕНГБОЕВ, ЎЗА.

Олимпия ўйинлари

Унинг тарихи ва бугуни



бу халқаро ҳаракат дунё бўйлаб кенг қулоч ёйди. Жаҳондаги кўплаб мамлакатлар ва халқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини қамраб олди. Сиднейда бўлиб ўтган сўнгги ўйинларда 199 мамлакатдан спорт ҳаваскорлари қатнашиб, «Тез, баланд ва кучли» деган шиор остида ўзларининг нимага қодирликларини намойиш қилишди.

Албатта, қайта ташкил этилган Олимпия ўйинлари, хусусан «олимпизм» тушунчасининг моҳияти бутунлай янги маъно касб этиб, олдинги спорт ўйинлари жараёнларидан, унинг мазмунидан тубдан фарқ қилади. Бугунги кун Олимпия ҳаракатида учта тушунча — «Олимпия ўйинлари», «Олимпия ҳаракати» ва «Олимпизм» тушунчалари ўз ифодасини топган. Ана шу тушунчалар Олимпия ўйинларини ҳар бир спорт тури бўйича ўтказиладиган жаҳон биринчилиги мусобақаларидан фарқлаб туради. Олимпия ўйинлари кўп қиррали, кўп тармоқли

«Ахбор-рейтинг» хабар қилади

«Ахбор-рейтинг» мамлакатимиз тижорат банклари молиявий фаолиятини 2004 йилнинг биринчи ярим йили якунлари бўйича рейтинг баҳоларини эълон қилди. Республика рейтингда мамлакатимиздаги 32 та банкдан 29 таси иштирок этди.

Мамлакатимиздаги тижорат банклари ўзларининг молиявий салоҳиятларини янада ошириш ва кучайтириш мақсадида кўп ишларни амалга оширмоқда. Шу боис молиявий кўламлик кўрсаткичи бўйича банкларнинг ўртача бали 8,7 фоизга ошди. Ишончлилиқ кўрсаткичи эса ўртача 13,7 фоизга ўсди. Йирик банкларнинг асосий қисми ўзларининг рентабеллик кўрсаткичларини яхшиламоқда. Айни чоғда ўрта ва кичик гуруҳдаги банкларнинг кўпчилигида бу кўрсаткич бирмунча пасайган. Йирик ва кичик банклар биринчи чоракка нисбатан ўзларининг якуний рейтинг баҳоларини яхшилашди.

Ярим йиллик якунларига кўра, Falлбанк, Ҳамкорбанк ва Davr-Bankлар мамлакатимизнинг энг яхши банклари деб тан олинди. Бу сафар тижорат банклари уларнинг ташкилий-ҳуқуқий мавқеаларига кўра гуруҳларга ажратилди. Бунда банкларнинг нафақат гуруҳ ичидаги, балки ўзига ўхшаш банклар орасидаги ўрнини ҳам аққол кўриш мумкин.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс».

Тошкентда Глобал экологик жамғармаси Марказий Осиё чегаралараро лойиҳаси ҳамда Жаҳон банкининг Ғарбий Тиёншон биохилма-хиллигини асраш лойиҳалари доирасида «Ғарбий Тиёншон: манбаларга саёҳат» йўл кўрсаткич қўлланмаси чоп этилди. Китоб тадқиқотчилар Виктор Цой ва Сервер Аширов ҳаммуаллифлигида ёзилди.

— Йўл кўрсаткич Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистонда яшовчи аҳолининг келиб чиқиши ва маданий ҳаёти билан танишишни истовчиларга ҳамда экологик саёҳатларга қизиқувчиларга мўлжалланган, — деди В. Цой. — Унда тарихий-маданий йўналишлар, табиий иқлим шароитлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тўлиқ баён қилинган ҳамда Ғарбий Тиёншоннинг сайёҳлик йўналишлари кўрсатилган.

Муаллифлар Угам-Чотқол давлат боғининг бой дунёсини унинг биохилма-хиллиги ва табиат сайёҳлиги учун имкониятлари нуқтаи назаридан очиб беришга уринганлар. Ушбу ҳудуд сайёҳлар учун баҳордан то кеч кузгача очик. У ердаги доволарнинг мураккаблигига қараб пиёда ва отда сайр қилиш, дарёларни кечиб ўтиш имкониятини беради.

Шунингдек, қўлланмада баъзи бир жуғрофий номлар-

Сайёҳлар учун қўлланма



нинг этимологияси ҳам берилган.

Китобда сайёҳлар учун зарур бўлган ускуналар, сўқмоқ йўлда юриш қоидалари кўрсатилган. Муаллифлар табиатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиб, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига эҳтиёткорлик билан қарашга чақирадилар. Тарихга қизиқувчилар Ғарбий Тиёншоннинг Ўзбекистон қисмида жойлашган қўрғонлар, қадимшунос ва сайёҳлар

томонидан топилган хазина ва қимматли топилмалар, қадимги одамларнинг турар жойлари ҳақида қизиқарли маълумотга эга бўладилар.

Қўлланма кенг китобхонлар оммаси — педагоглар, талаба ва мактаб ўқувчилари, шунингдек, йўл бошловчи ва сайёҳларга мўлжалланган.

А. АРСЛОНОВ,

«Туркистон-пресс».

СУРАТДА: табиат чорлови.

А. АБАЛЪЯН сурат-лавҳаси.

Юртимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга қулай шарт-шароитлар, турли имконияту имтиёзлар яратиб берилмоқда. Шу билан бирга уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, давлат олдидаги масъулиятлари қонуний асосда тартибга солинган.

Сохта «тадбиркор»лар

Аммо, айрим ҳолларда тадбиркорлар фаолиятида кўзбўямачилиқ, сохтакорлик ва фирромлик иллатларининг ҳам учраётганини афсус билан қайд этишга тўғри келади. Вилоят давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати томонидан берилган маълумотларда ана шундай ҳолатлар қайд этилган.

Ўртачирчиқ туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари «Риал-Иброҳим ака» хусусий фирмасида қисқа муддатли текширув ўтказганларида, фирма дўкони сотувчиси томонидан харидорларга чек берилмагани, савдодан тушган 32700 сўм нақд пул касса машинасига кирим қилинмагани аниқланди. Бу кирдикорлари учун фирма мутасаддилари энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жаримага тортилди ва далолатномага мувофиқ 487120 сўмлик кирим қилинмаган маҳсулотлар вақтинчалик олиб қўйилди.

Шу туман солиқ идораси ходимлари томонидан ДАН масканида фуқаро А. Йўлдошев ўзига тегишли «КамАЗ» русумли машинасида умумий қиймати 5933775 сўмлик озик-овқат маҳсулотларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз Фарғона вилоятига олиб кетаётганида ушланди.

Мўмай даромад кетидан қувиб, амалдаги қонун-қоидаларни четлаб ўтишга уринаётган сохта тадбиркорлар қилмишлари учун жавоб беришлари муқаррар.

Саломат бўлинг

Безгак қандай хасталик?

Безгак — беморни чивин чақиши натижа-сида соғ одамга ўтадиган юқумли касал-лик ҳисобланади. У тропик мамлакатлар-да кенг тарқалган бўлиб, сўнгги йиллар-

да ана шу минтақага яқин хорижий мам-лакатлар — Тожикистон, Озарбайжон, Қир-ғизистон, Арманистон, Афғонистонда ҳам кузатишмоқда.

Юқиш хавфи тропик мамла-катларда йил давомида тўхта-майди. Кўшни ҳудудларда эса май, октябрь ойларида, айниқ-са кучаяди.

Касаллик оғир ўтиб, тана ҳарорати кўтарилади, киши сов-қотади, ҳолсизлик, бош оғриқ кучаяди, асаб ва овқатланиш ти-зими издан чиқади. Унинг оғир ўтадиган тропик тури ўлим бил-лан тугаши мумкин.

Касаллик рўйхатга олинган мамлакатларга борувчилар без-гакка қарши делегил дорисини қабул қилиш тўғрисида шифо-кордан маслаҳат олишлари ло-зим. Препаратни қабул қилиш-нинг давомийлиги хавфли ҳудуд-ларда қанча вақт бўлишларига боғлиқ. Боришдан бир ҳафта олдин ва қайтгандан сўнг, икки ҳафта қабул қилиниши шарт. Катталар учун бир ҳафтада 300

мг. (1 марта) дори қабул қилиш-гина, безгак касаллигидан сақ-лайди. Агар касаллиқнинг бел-гиларини сезсангиз, яъни умумий ҳолсизлик, бош оғриқ, кўнгил айнаш, ҳарорат кўтари-либ, қўл-оёқ, белда оғриқ пай-до бўлса, зудлик билан шифо-корга мурожаат қилинг. Қонни текшириш касаллик ташхисини аниқлашда ёрдам беради.

Безгак чивинлари кўпинча,

қуёш ботгач ва эрта тонгда, баъзи ҳолларда кундузи ҳужум қилади. Аъзонинг очик қисмини чўчитувчи репелентлар билан ҳимоялаш зарур. Безгак чивин-лари унча чуқур бўлмаган, сув ўтлари кўп сув ҳавзаларида, асосан шולי экилган майдон-ларда тез кўпаяди.

Безгак чивинларига қарши курашда балиқлар асосий ёрдамчидир. Хоналарда чивин-ларга қарши азрозол воситала-ридан фойдаланиш мумкин. Пашшахоналарда ухлаш мақсад-га мувофиқдир.

Ушбу қоидаларга оғишмай амал қилинса, безгак билан ка-сал бўлиш эҳтимоли камаёди.

Маҳмуд ЎЛМАСОВ,

Тошкент вилояти Давлат санитария-эпидемиология маркази бош шифокори.

ОАО ТОЭМЗ-1

ИНН: 204643964

СООБЩАЕТ О СВОЕЙ

РЕОРГАНИЗАЦИИ

В ООО ТТЕМЗ.

ПО ВОПРОСАМ

РЕОРГАНИЗАЦИИ

ОБРАЩАТЬСЯ

ПО ТЕЛ.: 169-15-97,

169-15-33

Адрес: г. Ташкент,

ул. А. Мухитдинова, 1.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO`LIMI» МЧЖ

Сизларни 2004 йил 21, 28 сентябрь ва 5, 12, 19, 26 октябрь кунлари соат 12 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Чиноз тумани ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, қуйидаги ер майдонлари:

— «Олмазор» қўрғони, Самарқанд кўчасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган 9 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 87648 сўм.

— «Олмазор» қўрғони, Боғбон маҳалласида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган 12 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 35200 сўм.

— «Пахта» қўрғони, Эски-Тошкент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган 12 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 35200 сўм.

2. Бекобод шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, қуйидаги ер майдонлари:

— Фарход маҳалласида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган 3 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 38720 сўм.

— Ўрмон хўжалиги ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган ер майдони.

Бошланғич баҳоси — 38720 сўм.

3. Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли, «ВАЗ-2109» русумли, давлат рақами 10 АЕ 115, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 499 900 сўм.

Ушбу ер майдонлари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади ва автотранспорт воситаси савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закатат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги аукцион савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ Давлат орденини олиш учун давлат божи ва баҳолаш хизмат ҳақи алоҳида баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар:

133-28-52, 133-77-18,

Факс: 133-43-73.

Япония маданияти кунлари

Шу йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари бошланади. Бундай тадбирнинг мамлакатимизда ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётганлиги ҳалқимизнинг кунчиқар юрт урф-одатлари ва маданиятига қизиқишини тобора ортирмоқда.

Ўзбек ҳалқи бир ой мобайнида қадимги ва замонавий япон санъатининг ўзига хос қирралари билан танишадилар. Япония маданияти кунлари дастуридан қизиқарли кинофильмлар, замонавий ва анъанавий

япон мусикаси концертлари, япон гулчилик санъати — икзбана ўрин олган.

Икки мамлакат маданий алоқаларининг ривожланиши одамларимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, шунингдек, улар-

нинг япон санъатининг ажойиб намуналари билан танишишларига имкон беради. Бу ўзаро қизиқиш икки мамлакат муносабатларини ривожлантиришга катта ёрдам беради. Маданият кунларининг ҳар бир тадбири эса турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Туркистон-пресс».

Onajonim

• Bolalik bog'i

Oq sut berib qaragan,
Oq yuvib, oq taragan.
Oq yo'rgakka o'ragan,
Mehribonim onajon!
Kulib turar yuzingiz
Jonga darmon so'zingiz.
Tanhodirsiz o'zingiz,
Mehribonim onajon!


Nasiba AHMADJONOVA,
Yangiyo'l shahri.



• Турмуш чорраҳаларида

Шоҳрух кекса онасининг дийдиеларига ўрганиб қолган. Парвойи фалак, унинг эсу хуши пулда. Тезроқ битта «учар от» олса бас, худди Асакадаги заводнинг ўзидан миниб келарди-да! Ошналари аллақачон сўнгги русумдаги машиналарни миниб, кўкрак қериб юришибди. Шоҳрухнинг улардан қаери кам?

Ёзнинг кишини лоҳас қиладиган иссиқ кунларида Гулсум кампир оғир бетоб бўлиб қолди. Қон босими ошиб кетди. Кенжасидан қаттиқ хафа бўлди-ю, лекин сиртига чиқармади. Гулсум кампир инқиллаб-



Судхўрлик
касофати

синқиллаб калишини кияркан, дарвозахонадан хо-муш кириб келаётган катта ўғли Самигжонга кўзи тушди. Салом-алиқдан сўнг она кўнгли қандайдир нохушликни сезгандек: «Тинчликми, болам?» дея сўради шоша-пиша.

— Тинчлик, Шоҳрух кўринмайди, — атрофга аланглади ўғли. — Иш-пишга кетдимиз? Ёки ҳали ҳам бекорчиҳўжами?

— Феълини биласан-ку, иш десанг пешонаси тиришади. Шундаям кўлидан пул тушмайди, омон бўлгунинг. Бекор қолди дегунча, пул санашга тушади.

— Қаердан олганини нега сўрамайсиз, ойи?! — Самигжон титраб кетди. — Ул-бул обкелаётганига хурсанд бўлиб ўтираверасизми? Мениям номусга қўйди у!

— Қўй, болам, биттаю битта ининг бўлади-я?! — Она ўғлининг ҳовурини босишга уринди.
— Кеча олдиға Рустам келганмиди?
— Келганди чоғи...
— Шўрлик оғайним қизчасини операцияга ётқизмоқчи бўлиб Шоҳрухдан 10 минг сўм сўраса,

«кейинги ойда, 20 минг қилиб қайтарасиз», дебди, ноинсоф! Оғайним ноилоҳ олибди. Мендан сўрагани, беролмагандим. — Самигжон бошини чангаллади. — Менинг юзхотиримни қилмабди-я, нодон!

— Вой ўлмасам, аҳмоқ бола, бунинг кимга ўхшайди ўзи?! — деди Гулсум кампир бўшашиб. — Бу тенгиларнинг боласи ўқишга борапти.

— Эркатоингиз анчадан буён судхўрлик қилар экан, биз беҳабармиз. Йўлдошалиям бултур 40 минг олган экан, яқинда 100 минг қилиб қайтарибди. Кўздай кўшимиз, қариндошимиз-а, эшитиб ер ёрилмади, кириб кетмадим...

— Нортोजиям ўғлингиз савобталаб чиқиб коп-тими, деб нимагадир шаъма қилувди-я...

Онанинг кўзлари ёшланди. «Отанг раҳматли қандай ҳалол одам эди-я», деди. Самигжон онасининг сиқилаётганига чидолмади. Укасининг кирдикорларини очиб ташлаганига афсусланди.

— Сиқилманг, ойижон, у билан ўзим гаплашаман.

Аксига олиб Шоҳрух уйига кеч қайтди, акаси кутакута ухлаб қолди. Эрталаб нонушта устида даҳанаки жанг бошланди.

— Шу йўл билан бойигандан кўра, тезак терганинг маъқул эмасми?!

— Нега тезак терарканман? Нима, бизни сиз боқаяписизми?!..

Уканинг гапи бўғзида қолди. Шарақлатиб тарсаки тортган Самигжон уни гапиришга қўймади. Жанжал устига келиб қолган онаизор уларни аранг тўхтатиб қолди. Аммо... ўзи гурсиллаб ерга йиқилди. Ака-ука кўрқиб кетишди. Гулсум кампирнинг қон босими ошиб, юрак хуружи тутганди.

Мана уч ойдирки, унинг касалдан боши чиқмайди. Ўйлагани кенжасининг бошини тезроқ иккита қилиб, тинчгина омонатини топшириш. Самигжон хотини билан дам-бадам онанинг аҳволдан хабар олиб туришибди. Шоҳрух бўлса ҳамон ўша-ўша. Ўрганган кўнгли деганларидек, судхўрликни авж олдирган, онасини ўйлашга унинг вақти йўқ. Бировнинг ҳақини бемалол ҳазм қилаверади. Қизик, тоқайгача унинг бозори чакқон бўлар экан?

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.



типратиканлар хавотир аралаш ўша жойда куймаланиб юришди. Сўнг уларнинг бири ғойиб бўлди. Орадан 20-25 дақиқалар ўтгач, қайтиб келди. Ана шунда ҳақиқатдан ҳам гаройиб воқеа содир бўлди. Улар болаларини битта-битта авайлаб тишлаганча, ғойиб бўлишди. Тез орада қайтиб келиб, қолганларини олиб кетишди.

Афтидан улар яшин тезлигида янги, беҳавотир жой топишган эди. Шундай қилиб, ёш типратиканчалар янги уяга ўтишди. Шунини айтишадидея, типратикан ҳам ўз боласини «юмшоғим», дея эркалайди деб. Биз эса бу воқеани ҳали-ҳануз бир-биримизга эслатиб тураемиз.

Камолиддин АСҚАРОВ.

• Бекажон

Гречкали торт

5 та тухум сариғини оқидан ажратиб, унга 150 гр. шакар қўшилади ва оппоқ кўпик ҳосил бўлгунча қадар аралаштирилади. Сўнг унга ваниль, 5 ош қошиқ сув қўшилади ва аралаштирилади. Алоҳида идишда тухумнинг оқини озгина туз қўшган ҳолда кўпиртириб олинади ва юқоридаги масалликка қўшилади. Тайёр масаллик устига 2 чой қошиқ юмшатгич солинади ва 200 гр. гречка уни эланиб, яхшилаб аралаштирилади.

Олдиндан четлари ёғланиб, тагига қоғоз солинган қолига қуйиб, 175°C даражали духовкада 25 дақиқа давомида пиширилади. Сўнг совутилади.



Устини безаш учун:

10 гр. желатин, 500 гр. творог, 120 гр. шакар, лимон шарбати ва цедраси, 1 дона апельсин, 400 мл. сливки, 720 мл. олча мураббоси, 1 пакетча мевали глазурь ишлатилади.

Тортни горизонталь бўйича тенг уч бўлакка бўлинади. Унинг энг пастки қисмига творогли крем суртилади ва устидан тортнинг иккинчи қисми ёпиштирилади, унинг устига ҳам худди шундай крем суртилади ва учинчи қисми ёпиштирилади, устига қолган крем суртилади ва 3 соатга музлатгичга қўйилади. Сўнгра устига 20 гр. шакар қўшиб қайнатилган олча шарбатига мевали глазурь қўшиб қуйилтирилган қиём қўйилади ва олчалар билан безак берилади.

Ташкент фармацевтика институту томонидан 1979 йил 23 июнда Исламова Барно Нигматжановна номига берилган, Г-II 326997 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бектемир тумани ДСИ ходими Мирзаев Махмуд Турдимовичнинг 17653 рақамли шахсий гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Табиат ва инсон

Болагинам, юмшоғим...

Табиат ажойиботларга бой. Баъзан шундай ҳодисаларга дуч келамизки, уни узоқ вақт эсимиздан чиқаролмай юрамиз. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳам камдан-кам учрайдиган ҳолдир. Бу ёз оиларининг бирида рўй берди.

Ховлининг бурчагида бир неча йилдан буён йиғилиб қолган ўтинлар уюлиб ётарди. Бир куни ошна-оғайнилар билан уларни арралаб, майдалаб, бостирмага таший бошладик. Иш охирлаб қолган эди. Катта тўнкани арралашга тушдик. Шу пайт унинг остида иккита типратикан бирин-кетин чиқди-ю, «гаройиб» товуш чиқарганча бизга қараб юра бошлади...

Аввалига гап нимадалигига тушунмай турдик. Бу пайтда

типратиканлар биздан бир неча қадам нарида ҳимояга «шай» бўлиб туришарди. Шунда тўнканинг тагида бир гап борга ўхшайди деган хулосага келдик ва уни кўтариб, бошқа жойга олдик. Бизнинг бу ҳаракатимиздан янада безовталанган икки жонивор орқага чекина бошлади.

Биласизми, у ерда нимани кўрдик? Юмшоқ матолар, хас-чўплар тўшалган ним чуқур уяда беш нафар ярим гўшт,

ҳали кўзлари очилмаган, ўткир бўлиб чиқадиган тиканларининг ўрни эса қора-қора холчалардан иборат типратикан болалари ётарди. Аввалига бу манзарани мириқиб томоша қилдик. Кейин нима қилишни билмай, бошимиз қотди. Уяни бузадиган бўлсак, типратикан болалари нобуд бўлади. Бошқа жойга кўчирсак, уларнинг ота-онаси борадими, йўқми, билмасдик. Хуллас узоқ тортишувдан сўнг тегмасликка, қарор қилдик ва иш жойимизни вақтинчалик тарк этдик.

Чамаси 10-15 дақиқа ота-она

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТ ШАҲРИ

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тоҳририят компьютер
марказида тартиб ва
сифатланади.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.